



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
KRIMINOLOGIYA TADQIQOT  
INSTITUTI**



**“MAHALLA YETTILIGI” FAOLIYATIDA  
JINOYATLARNI BARVAQT OLDINI OLIHNING  
SAMARALI MEXANIZMLARI VA ILG‘OR  
TAJRIBALAR MAVZUSIDAGI**

*Respublika Ilmiy-amaliy konferensiyasi maqolalar va tezislar to‘plami*



**Toshkent - 2026**

## МАҲАЛЛАЛАРДА ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ БАРВАҚТ ПРОФИЛАКТИКАСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Хамидов Асилбек Алишер ўғли,**

Криминология тадқиқот институти  
илмий ходим-тадқиқотчиси, капитан

**Аннотация.** мақолада маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш ва жиноятчиликнинг барвақт профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг институционал ўрни ва аҳамияти илмий таҳлил қилинган. Замонавий шароитда жиноятчиликнинг трансформацияси ва унинг ижтимоий омиллари мураккаблашиб бораётгани профилактика ишларини маҳаллий даражада ташкил этиш заруратини кучайтириши асослаб берилган. Расмий статистик маълумотлар асосида маҳаллаларда криминоген вазият ҳолати таҳлил қилиниб, профилактика самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар очиб берилган. Шу билан бирга, тизимдаги бир қатор муаммолар тизимлаштирилган.

**Калит сўзлар:** маҳалла, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хавфсиз муҳит, жиноятчилик, барвақт профилактика, криминоген вазият, профилактика тизими, жамоатчилик иштирок, институционал ривожланиш, рақамли трансформация.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистонда жамият ва давлат ўртасидаги энг муҳим институционал кўприк сифатида намоён бўлиб, маҳаллий даражада хавфсизликни таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим ўрин тутди. Бугунги шароитда жиноятчиликнинг трансформацияси кузатилиб, тобора ўсиб бориши профилактик фаолиятни маҳалла даражасида қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Шу нуқтаи назардан, ҳозирги вақтда жаҳон амалиётида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари хавфсизликни таъминлашда учта асосий йўналишда фаол иштирок этаётгани кузатилмоқда.

**Биринчидан,** ривожланган давлатларда маҳаллий даражада қарор қабул қилиш имконияти кенгайиши натижасида жиноятчиликка қарши тезкор ва манзилли чоралар кўриш имкони яратилмоқда.

**Иккинчидан,** “community policing” (*жамоатчилик билан ҳамкорликда профилактика*) модели кенгайиб бормоқда. Бу ёндашувда маҳалла аҳолиси, полиция ва фуқаролик институтлари ўртасидаги ҳамкорлик жиноятларнинг барвақт олдини олишга хизмат қилади.

**Учинчидан,** рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Электрон платформалар орқали мурожаатларни қабул қилиш,

хавфли ҳудудларни мониторинг қилиш ва аҳолини хабардор қилиш тизими кенг жорий этилмоқда.

Бу тенденциялар шуни кўрсатадики, жиноятчиликка қарши самарали курашишда маҳалла институти фақат ижтимоий эмас, балки хавфсизлик субъекти сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ҳам маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш ва жиноятчиликнинг барвақт профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни сўнгги йилларда жамият барқарорлигини таъминлашнинг устувор институционал омили сифатида намоён бўлмоқда.

Зеро, маҳалла институти аҳолига энг яқин бўлган, ижтимоий муносабатларнинг бевосита иштирокчиси сифатида криминоген вазиятни шакллантирувчи омилларни эрта босқичда аниқлаш ва бартараф этиш имкониятига эга.

Замонавий шароитда жиноятчиликнинг таркибий ва сифат жиҳатдан ўзгариб бораётгани, унинг ижтимоий илдизлари мураккаблашаётгани профилактика ишларини марказдан маҳаллий даражага, хусусан маҳалла тизимига трансформация қилишни тақозо этмоқда.

Расмий статистик маълумотларга кўра, 2025 йилда республика бўйича 155 002 та жиноят қайд этилган бўлиб, мазкур ҳолат жиноятчиликка қарши курашда жазолаш эмас, балки барвақт профилактика механизмларини кучайтириш устувор аҳамият касб этаётганини кўрсатади.

Шу билан бирга, маҳаллалар кесимида олиб борилган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳам кузатилмоқда: 9 008 та маҳалланинг 4 034 тасида, яъни 44,8 фоизида умуман жиноят содир этилмаган. Криминоген вазият таҳлиliga кўра, маҳаллаларнинг 44,8 фоизи “яшил”, 47,9 фоизи “сарик” ва 7,4 фоизи “қизил” тоифага киритилгани маҳалла институтининг хавфсиз муҳитни шакллантиришдаги салоҳиятини тасдиқлайди. Бироқ ушбу кўрсаткичлар билан бир қаторда, профилактика тизимининг тўлиқ ишламаётган жиҳатлари ҳам мавжудлигини кўрсатади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, мавжуд институционал имкониятларга қарамасдан, қатор тизимли муаммолар маҳаллаларда хавфсиз муҳитни барқарор таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

Хусусан, кадрлар салоҳиятининг етарли эмаслиги профилактика ишларини илмий ва таҳлилий ёндашув асосида ташкил этиш имкониятини чекламоқда. Амалда маҳалла раҳбарларининг фақат 20–30 фоизи олий маълумотга эга эканлиги профилактика самарадорлигига бевосита салбий таъсир кўрсатади. Бу эса хавф омилларини чуқур таҳлил қилиш, ижтимоий гуруҳлар билан манзилли ишлаш ва замонавий усулларни қўллаш имкониятларини пасайтиради.

Шу билан бирга, тизимда моддий рағбатлантиришнинг пастлиги ҳам жиддий муаммо ҳисобланади. 2024 йил маълумотларига кўра, маҳалла

раисларининг ўртача ойлик иш ҳаққи республикадаги ўртача иш ҳаққидан тахминан 30 фоизга кам бўлиб, бу ҳолат малакали кадрларни жалб қилиш ва сақлаб қолишни қийинлаштирмоқда. Натижада тизимда иш ўринларининг тахминан 25 фоизи бўш қолмоқда ва кадрлар алмашинуви юқори даражада сақланиб қолмоқда.

Маҳалла институтининг ҳуқуқий мақоми амалда тўлиқ таъминланмаётгани ҳам профилактика самарадорлигига таъсир қилувчи омиллардан биридир. Қонунчиликда уларнинг мустақиллиги белгиланган бўлса-да, амалда маҳалла органлари кўп ҳолларда маҳаллий ҳокимият топшириқлари доирасида фаолият юритмоқда. Бу эса уларнинг ташаббускорлигини чеклаб, жиноятчиликнинг барвақт профилактикасида мустақил қарор қабул қилиш имкониятларини камайтиради.

Профилактика ишларининг формаллашуви ҳам муҳим муаммолардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Хусусан, “маҳалла еттилиги” доирасида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларнинг аксарияти ҳисобот учун ташкил этилаётгани, уларнинг натижавийлиги эса паст даражада қолмоқда. Бу ҳолат аҳолининг маҳалла институтига бўлган ишончини пасайтиришга хизмат қилади.

Замонавий хавф-хатарлар контекстида рақамли трансформацияга тайёр эмаслик ҳам жиддий муаммолардан ҳисобланади. Жамиятда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши шароитида профилактика ишларини рақамлаштириш, хавфларни мониторинг қилиш ва аҳоли билан интерактив мулоқотни йўлга қўйиш талаб этилади. Бироқ, амалда маҳалла тизимида бундай механизмлар етарли даражада шаклланмаган.

Шунингдек, аҳолининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида иштирок даражаси пастлигича қолмоқда. Маълумотларга кўра, аҳолининг фақат 30 фоизи мазкур жараёнларда иштирок этган бўлиб, бу жамоатчилик назорати ва ҳамкорлик механизмининг тўлиқ ишламаётганини кўрсатади. Ваҳоланки, жиноятчиликнинг барвақт профилактикаси айнан аҳоли иштирокида самарали амалга оширилиши мумкин.

Юқорида келтирилган муаммолар маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш ва криминоген вазиятни барқарорлаштириш тизимини комплекс равишда такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

**Биринчидан**, барвақт профилактика механизмларини кучайтириш мақсадида хавф гуруҳларини аниқлаш ва улар билан манзилли ишлаш тизимини жорий этиш лозим. Ҳар бир маҳалла кесимида ижтимоий мониторинг ва “хавф хариталари”ни ишлаб чиқиш жиноятчилик омилларини эрта босқичда бартараф этиш имконини беради.

**Иккинчидан**, маҳалла тизимини рақамлаштириш орқали профилактика самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Электрон платформалар орқали мурожаатларни қабул қилиш, хавфли ҳудудларни мониторинг қилиш

ва аҳолини тезкор хабардор қилиш тизимларини жорий этиш лозим. Бу эса нафақат шаффофликни таъминлайди, балки аҳолининг фаол иштирокини ҳам рағбатлантиради.

**Учинчидан,** кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида маҳалла ходимлари учун мажбурий малака ошириш тизимини жорий этиш, уларни ҳуқуқ, психология ва ахборот технологиялари соҳалари бўйича тайёрлаш зарур. Шу билан бирга, меҳнатга ҳақ тўлашнинг дифференциал тизимини жорий этиш орқали малакали кадрларни жалб қилиш ва сақлаб қолиш мумкин.

**Тўртинчидан,** маҳалла институтининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш орқали унинг самарадорлигини ошириш мумкин. Бунинг учун фаолиятга ноқонуний аралашув учун жавобгарликни кучайтириш, маҳаллий сайлов жараёнларини мустақиллаштириш ва маҳалла бюджетининг молиявий мустақиллигини кенгайтириш зарур.

**Бешинчидан,** жамоатчилик иштирокини кенгайтириш профилактика тизимининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Фуқароларни профилактика жараёнларига жалб қилиш, “фаол фуқаро” институтини ривожлантириш ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бизнес субъектлари билан ҳамкорликни кучайтириш орқали ижтимоий назорат механизмларини самарали йўлга қўйиш мумкин.

Умуман олганда, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш ва жиноятчиликнинг барвақт профилактикасини ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳал қилувчи ўрин тутади. Мавжуд статистик маълумотлар ушбу институтнинг самарадорлигини тасдиқлаётган бўлса-да, тизимли муаммоларни бартараф этмасдан туриб унинг тўлиқ салоҳиятини рўёбга чиқариш мумкин эмас. Шу боис, маҳалла институтини институционал, кадрлар ва технологик жиҳатдан кучайтириш орқали жиноятчиликни барвақт профилактика қилиш ва криминоген вазиятни барқарорлаштиришга эришиш мумкин.

## МУНДАРИЖА:

<b>Кириш</b> .....	3–4
<b>R.B. Hojiyev.</b> Oila-turmush munosabatlari doirasida ayollar jinoyatchiligi: sabablar, oqibatlar va profilaktika mexanizmlari .....	5–10
<b>Я.Й. Олломов.</b> Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи тушунчаси, предмети ва миллий ҳуқуқ тизимидаги ўрни .....	11–26
<b>X.M. Qilichev.</b> Mahalla fuqarolar yig'ini ishtirokidagi kafillik shartnomalarini takomillashtirish .....	27–35
<b>И.Э. Тўраев., Э.Х. Норбутаев., С.А. Исаев.</b> Наркотик воситаларнинг ноқонуний муомаласи тизимида уюшган жиноий гуруҳлар роли .....	36–45
<b>J.O. Kenjayev.</b> Mahalla yettiligi faoliyatida raqamli profilaktika mexanizmlari: “PSIXOTROP_MOI_BOT” platformasi orqali narkojinoiyatlarga qarshi kurashish samaradorligi .....	46–50
<b>G.S. Ro‘ziyeva.</b> Intellektual va ma’naviy madaniyat integratsiyasi asosida kasbiy rivojlanishning pedagogik modeli .....	51–57
<b>Ш.Б. Мустафаев.</b> Жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш давр талаби .	58–66
<b>E.Kh. Norbutayev., S.A. Isayev.</b> Illegal trafficking of firearms: global trends, regional characteristics, and threats to international security .....	67–74
<b>Ж.У. Мирзаев.</b> Пробация назорати орқали маҳкумларни ахлоқан тузатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари .....	75–80
<b>A.A. Абдугаппаров.</b> Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари: назарий-методологик таҳлил .....	81–91
<b>Н.Б. Шоимов.</b> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони – жиноятларни барвақт олдини олишнинг асоси .....	93–96
<b>Б.Н. Саидов.</b> Қўриқланадиган объектларнинг киберхавфсизлигини таъминлашда шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари .....	97–105
<b>Ш.Г. Мурзажанов.</b> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1-сонли қарори ижроси доирасида «Маҳалла еттилиги» томонидан аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ва уларга тезкор муносабат билдириш ҳолати тўғрисида . . .	106–110
<b>У.Х. Сайдалиев.</b> Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятларни ҳуқуқий таҳлили, сабаблари ва профилактика механизмлари .....	111–122
<b>A.A. Хамидов.</b> Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш ва жиноятчиликнинг барвақт профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни .....	123–126